

JADIDLAR

ТУРКИСТОН
ЖАДИДЧИЛИК
ҲАРАКАТИНИНГ
ЖАМИЯТ
ИЖТИМОИЙ,
МАЪНАВИЙ ВА
ПЕДАГОГИК
ФИКРЛАР
РИВОЖИДАГИ
ЎРНИ

Ибраимов Холбой Ибрагимович

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси,
академик, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Тарбия
педагогикаси миллий институти директори




Маълумки, кишилиқ жамиятининг кўп асрлик тарихи хилма-хил ҳаракат, та’лимот, сиёсий оқим ва фирқаларни вужудга келтирди. Бунинг асосий сабаби башариятнинг адолатли, инсонпарвар жамият қуриш учун, зулм ва зўравонликдан, қуллик ва мустабидликдан, тенгсизлик ва жаҳолатдан қутулиш учун тинимсиз изланиши эди.

**«Эй! Сен мени ҳақир кўрган, тубан деган афанди!
Эй! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,
Эй! Бўйнимга кишан солиб, ҳалокатга судраган,
Кўзларингни заҳарлатиб ўйнатмагил, бас энди!»**

Чўлпон «Кўзгалиши» (1922 й.) шеъридан

Туркистан тарихига назар ташлар эканмиз, минтақа халқлари ҳаётида ҳеч қайсиҳаракат жадидчилик сингари улкан ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий таъсир кучига эга бўлмаганига гувоҳ бўламиз. **Исмоил Гаспиралининг**: “Оврўпо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир. Улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини такрорламаймиз. Оврўпода нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эслихушлиинсонлардек “Бу нимадир? Оқибати нима бўлади?”. Виждон ва ҳаққониятга уйғунми? дея ақл тарозисига тортиб оламиз” каби сўзлари бизнинг бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда долзарбdir.

“Кизгин рухли ёшларимиз миллатга хизмат этиб, анинг маданий даражасини ўстирсалар, ул вақтда биз синфий ихтилофлар тўғрисида сўйлашурмиз, фикр юритишурмиз. Маданияти йўқ бир миллатнинг саноати бўла олмас. Модомики, ул йўқ экан, ҳали синфий низоларга эрта. Бизнинг бугунги вазифамиз ҳозирча маданий ўсувлар ва шунга йўллар ҳозирловдангина иборат”. **Ф.Амирхон** тарихга жадидчилик номи билан кирган ҳаракат дарғаси Исмоил Гаспиринский тўғрисида ёзган **“Улуғ миллатчи тўғрисида кичик бир хотира”** номли маколасида жадидларнинг кураш дастури хусусида айнан шундай деб қайд энган эди.



Халқни илм-маърифатли қилиш орқали жипслаштириш лозим эди. Халқ сиёсий онгининг заифлиги бир томондан илм-маърифатга, бошқа жиҳатдан маънавиятга дахлдор эди.

Аста секинлик билан жадид мактаблари ташкил топа бошлади. Бу мактаблар учун М.Абдурашидхоновнинг “Адиби аввал”, Сайдрасул Сайдазизовнинг “Устоди аввал”, А.Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлок”, “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, С.Айнийнинг “Таҳзиб ус-сибён”, “Қиз бола ёки Холида”. Ҳамзанинг “Енгил адабиёт”, “Ўқишиш китоби”, “Қироат китоби”, М.Беҳбутийнинг “Китобат ул атфол” каби дарсликлари яратилди.

Жадидчилик ғоялари талқинида маориф билан бирга матбут ҳам муҳим рол үйнади. “Тараққиёт”, “Хуршид”, “Шұхрат”, “Осиё”, “Самарқанд”, “Садойи Фарғона” газеталари, “Ойина”, “Ал-ислох” журналлари чоп қилина бошлади.



Ижтимоий турмушдаги ислоҳотчилик адабиёт ва санъатни ҳам четлаб ўтмади. Анъанавий йўсингидаги адабиёт янгича йўналишлар, янгича жанрдаги асарлар ҳисобига бойиди, романчилик, публицистика, адабий танқид, маърифий шеърият, драматургия майдонга келди.

Бу ҳақда “Маориф ва ўқитувчи” журнали 1928 йил 3-сонида қуидагиларни ёзган эди: **“Жадидлар ўз мағкураларини тарқатиш, ўз идеалари йўлида ташвиқот олиб бориш учун адабиёт яратдилар”**.

Чунончи, ўша давр дарсликлари таркибида яратилган болалар адабиёти намуналари ёш авлодни билим олишнинг афзалликлари, Ватан эрки учун курашнинг муқаддаслиги, иймон, ахлоқ, эътиқод, ростгўйлик, садоқат, эрк руҳида тарбиялашга қаратилиши билан алоҳида эътиборга лойик.

А.Авлонийнинг “Мактаб”, “Нима, кимники”, “Миллатга хитоб”, Ҳамзанинг “Китоб”, “Мактаб” асарлари шулар жумласидандир. А. Авлонийнинг “Миллатга хитоб” шеъри илм-маърифат орқали миллий уйғонишга даъваткорлик руҳи билан алоҳида ажралиб туради.



Абдулла Авлони.

Миллатга хитоб

Кўзларинг оч, эй миллат!
Кўп замон ғофил ётдинг.
Умринг ўтди ётмакда
Қайғуга тоза ботдинг.
Кетди шону шарафинг,
Мозор тошидек қотдинг.
Эй! “Токайгача ғафлат ичида
ётамиз!”
Келинг, ёшлар, жаҳолатни
отамиз!
Бизга бу кун илма киришмак
керак!
Бизга бу кун илма тиришмак
керак!

Абдулла Авлоний бола тарбиясига алоҳида муҳаббат билан қараган эди. Шу сабабдан ҳам адид, - “Тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватлантирумак, ахлоқимизни кучлантирумак лозим”, дейди у, - “Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига олим бўлиб, шогирдларига ҳам берган дарсларини амал ила чақиштириб ўргатмаклари лозимdir. Бу равиш таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилиб, улар илмли – одобли бўладилар”. Адид юқоридаги ҳурфикар гаплари билан болаларни туғилган кунидан бошлаб, таълим-тарбияга ўргатмоғимиз керак дейди.

Туркистондаги дастлабки олий ўқув юрти –Туркистон халқ университети (хозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг 1918 йилда Тошкентда очилиши ҳам жадидлар фаолияти билан боғлиқ. Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан 1918 йил 12 майда Туркистон халқ университети таркибида **Мусулмон халқ дорилфунуни** ташкил қилинди. 1919 йил Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жадидлар ташаббуси билан **Туркистон халқконсерваториясининг миллий (Эски шаҳар) бўлими** ташкил этилди.

Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси инсонларда миллий онгнинг шаклланиши, сиёсий ва маънавий уйғониши, мустақил тараққиёт учун интилишга олиб келди.

Бу даврда “Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, Эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди.



Эътиборингиз учун
ташаккур!